

---

1 июлдан ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларига қабул бошланади

Бу ҳақда Республика Халқ таълими вазирлиги [маълум қилмоқда](#).

Жорий йилнинг **1 июлидан** халқ таълими тизимидаги айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари (5-синф) ва мактаб-интернатлари (7-синф)га 2020-2021 ўқув йили учун ўқувчилар қабули жараёни бошланмоқда.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг **5-синфи учун** ҳужжатлар шу йилнинг **1 — 31 июль кунлари** ҳамда **7-синф учун** ҳужжатлар **1 — 20 июль кунлари** қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига иқтидорли ўқувчилар Давлат тест маркази томонидан тегишли фанлар бўйича ўтказиладиган **тест синовлари (саралаш танлови)** натижалари асосида қабул қилинади.

Пандемия шароитини инобатга олиб, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ҳужжатларни **онлайн** қабул қилиш учун шароитлар яратилмоқда.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқувчилар қабули бўйича танловлар **август ойида** олий таълим муассасаларига қабул тест синовлари яқунланганидан сўнг ўтказилиши режалаштирилган.

"Юртимиздаги карантин чекловлари сабабли саралаш танловларини ўтказиш муддати ўзгартирилиши мумкин", - дейилади вазирлик хабарида.

**Номзодлар томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси директори номига ариза;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

тиббий маълумотнома;

3 x 4 ҳажмдаги 4 та фотосурат.

2020-07-01 11:10:08